

2-25-2020

THE ROLE OF NATIONAL VALUES IN THE IMPROVEMENT OF MILITARY EDUCATION

Jaloliddin Djumabayev Zayniddinovich

Academy of the Ministry of Internal Affairs, vocational training Deputy Head of the Faculty

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Zayniddinovich, Jaloliddin Djumabayev (2020) "THE ROLE OF NATIONAL VALUES IN THE IMPROVEMENT OF MILITARY EDUCATION," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 4 : Iss. 1 , Article 18.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss1/18>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

2. *Оила психологияси. Академик лицей ва касб-хунар коллежалари ўқувчилари учун дарслик. /Проф. Ф.Б.Шоумаров тахрири остида. – Тошкент, 2008.*

3. *Оналарга психолог маслаҳати (Она-бола муносабатлари психологиясига оид илмий-амалий тавсиялар). /Тузувчилар: Ф.Б.Шоумаров ва бошқ. – Тошкент, 2002.*

УДК:37.013

**ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА
МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ЎРНИ**

**РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ
СИСТЕМЫ ВОЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**THE ROLE OF NATIONAL VALUES IN THE IMPROVEMENT
OF MILITARY EDUCATION**

Джумабаев Жалолиддин Зайниддинович

*Ички ишлар вазирлиги Академияси, касбий тайёргарлик
фекультети бошлиғи ўринбосари*

Аннотация. Мақолада ҳарбий таълим тизимининг юксалишида миллий қадрияларнинг ўрни ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: фуқаролик жамияти, ҳарбий таълим, миллий қадриятлар, фидойилик, бурч.

Аннотация. В статье даны предложения по развитию роли национальных ценностей в повышении системы военного образования.

Ключевые слова: гражданское общество, военное образование, национальные ценности, самоотверженность, долг.

Annotation. The article analyzes the role of national values in the improvement of military education and was given recommendations for its improvement.

Key words: civil society, military education, national value, dedication, duty.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мамлакат ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришга йўналтирилган кенг кўламли ислохотлар йўлини тутди. Бугунга келиб, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” эълон қилиниши билан мазкур ислохотлар тамомила янги босқичга кўтарилди. Ушбу ҳужжатда таъкидланишича, жаҳон бозоридаги кескинлик ва глабаллашув шароитида рақобатнинг тобора кучайиб бораётгани “давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда” [1, 3-4].

Шундан келиб чиққан ҳолда, амалга оширилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича бешта устувор йўналиш белгиланди [2, 3-4]. Мазкур йўналишлар мамлакат ҳуқуқий тизимини ислоҳ қилишнинг бутун мазмун-моҳиятини ҳам қамраб олди.

Барча соҳалардаги сингари мамлакатда ҳарбий таълим тизимида ҳам ислохотларни амалга ошириш давр талаби бўлиб қолди. Бу борада ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий маърифий ўзгаришлар ҳарбий таълим тизимини ҳам тубдан янгилаш, уни замон талаблари даражасида кўтаришни устувор вазифа этиб белгилади. Чунки ҳарбий таълим тизимини ўзгартирмай, унинг самарадорлигини таъминламай юқори профессионал салоҳиятга эга ва маънавий юксак соҳа ходимларини тарбиялаш мумкин эмас. Зеро, чуқур ва мустаҳкам ҳарбий билимга ҳамда интеллектуал қобилиятга эга, дунёқарashi кенг, маънавий-ахлоқий камолга етган ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш республикаимизни келажакда янада тараққий эттиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатда ҳарбий таълимни яхшилаш бўйича кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлар асосида яратилган малакали кадрлар тайёрлаш тизими ўзининг стратегик мақсадларга йўналтирилганлигини кўрсатди.

Мамлакатимизда ҳарбий таълим тизимидаги ижобий ўзгаришлар борасида хорижлик олимлардан Берлиндаги Гумбольдт университети профессори А.Фрайганг Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар таҳлили хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди: “Объектив воқелик, - дейди у, – Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар комплекс ҳолатида олиб борилаётганлигидан гувоҳлик беради. Бу йўналишда барча кўринишдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятлари, функциялари ва вазифалари камраб олинади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар Ўзбекистоннинг ўз танлаган йўлига содиқлигини ҳамда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти куриш йўлидан оғишмай бораётганлигини яна бир бор тасдиқлайди”, - деб таъкидлайди[3].

Бранденбург технология ва инновациялар тараққиётини қўллаб-қувватлаш институти бош директори Э.Клозен, “Ўзбекистондаги фан ва таълим соҳасидаги ислохотларнинг ўрни бекиёсдир” [4], – деб таъкидлайди.

Шунингдек, Европа таълим жамғармасининг раҳбари Мадлен Шербан: “Мамлакатингизда таълим соҳасида сонга эмас, балки сифатга эътибор берилаётгани мени қувонтиради. Ўзбекистонга ташрифим доирасида мен Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси вакиллари билан учрашдим. Мазкур тузилмалардаги ўзаро мувофиқликда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар малакали кадрларни ўз вақтида сифатли тайёрлашга ёрдам беради” [5], – деб эътироф этади.

Сўнги йилларда ҳарбий таълим соҳасида илмий тадқиқотлар кўлами янада кенгайганлигини кузатиш мумкин. Жумладан: россиялик олимлардан А.Кошкин курсантларда ҳарбий этикани шакллантириш, Л.Бублик ҳарбий ватанпарварлик тарбияси муаммоларига доир тадқиқотлар олиб борганлар.

Кўшни давлат олимларидан тожикистонлик А.М.Қамбаров ҳарбий хизматчиларнинг ўқув-тарбия жараёнида ахлоқий-руҳий омилларининг оптималлашуви, туркменистонлик А.Д.Реджабоев ёшларни миллий истиқлол ғояси асосида ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қозоғистонлик У.С.Темирова ҳарбий хизматчи хотин-қизлар касбий фаолияти самарадорлигини оширишнинг тарбиявий омиллари муаммоларига доир тадқиқот ишларини олиб бормокдалар.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ҳарбий таълим-тарбия муаммосига доир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Булардан Ч.Р.Насриддинов томонидан ҳарбий хизматчи ва ҳарбий жамоа психологияси ҳамда уларнинг ривожланиши, уларни ўқитиш ва тарбиялаш қонуниятлари, ҳарбий хизмат ахлоқи ва маданиятининг шаклланиши, маънавий-ахлоқий тамойил ва меъёрлар, буюк аجدодларимизнинг хулқ-одоб меъёрлари ҳамда муомала маданияти ҳақидаги фикрлари назарий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Ш.М.Асранов ва А.Каримжонов эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳарбий ислохотларнинг Қуролли Кучларимиз учун юқори малакали мутахассислар, юксак интелектуал, маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга ҳарбий кадрларни тайёрлаш муаммосига доир илмий изланишлар олиб борганлар.

Бугунги кунда ҳарбий хизматчи ходимлар жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлганлиги боис фуқароларга тегишли ахлоқ нормаларига риоя этишлари, уларни ўзларининг мустаҳкам эътиқодига айлантиришлари мантиқан тўғри бўлади. Чунки, бир томондан, умумэътироф этилган нормаларни изчил бажариш фуқароларга кўз ўнгида уларнинг нуфузи, обрў-эътиборини оширса, иккинчи томондан, хизмат вазифаларини бажариш самарадорлигини оширади.

Ҳарбий хизматчиларнинг қиёфасини белгиловчи асосий мезонлар раҳбарият томонидан қабул қилинган бир қанча ҳужжатларда белгилаб берилган. Улар: қонунга бўйсунуш, хизмат бурчини ҳалол бажариш; фуқаро ҳуқуқларини ҳурмат қилиш; адолатли бўлиш; хизмат ва

муомала маданиятида ўрнатилган кўрсатиш, муаммоларни ҳолисона ҳал этиш; мустақкам эътиқодли, иродали бўлиш, зарарли майлларга берилмаслик, ўзгаларнинг сўзларига эътиборли бўлиш, ҳалқ ва Ватанга доимо содиқ бўлиш ва ҳоказо.

Келтирилган фазилатларга кўшимча равишда ижтимоий рақобатга асосланган жамиятда ҳарбий хизматчининг сиёсий қарашлардан холи бўлиши, мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилишда қатъийлик, миллий умуминсоний қадриятларга содиқлик, ижтимоий-сиёсий вазиятда ўта зийраклик билан тўғри баҳолай олиш; ўз малакавий, маънавий савиясини доимо ошириб бориш, ҳалқ осойишталиги ва юрт тинчлигига, конституциявий тузумга қарши қаратилган ҳаракатлар ва зарарли ғояларга нисбатан муросасиз бўлиш сингари фазилатларни киритиш мумкин.

Юқоридаги фазилатларни ҳарбий хизматчиларда шаклланиши уларда миллий қадриятлар юксалишига олиб келади. Масалан: ҳарбий хизматчиларнинг инсонпарварлик фазилати хусусида буюк ўтмишдошимиз Воиз Кошифий қуйидагиларни таъкидлайди: “Ҳар кишида учраши мумкин бўлган ёмон хулқ-одатни яхши томонга буриш; бир одам ўз айбига иқрор билан кўриниш; кишига яхши сўз айтиш ва бошқалардир” [6].

Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг энг улуғ фазилатларидан бир – ҳалоллик. Ҳалолликни кенг маънода англаш даркор, яъни тамадан нафратланиш, ўз касбини севиб ардоқлаш, нафсни тия билиш, муаммоларни ҳал қилишда ҳолисликка, қонунда белгиланган адолат мезонларига таяниш лозим.

Ҳалол меҳнат билан топилган моддий даромадга қаноат қилиш, бойликка ҳирс қўймаслик хусусида Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳикматларидан бирида, “Нафсинг сенга тобе бўлса – сен инсонсан, аксинча юз минг киши сенга тобе бўлса-ю, сен нафсинга тобе бўлсанг – инсон эмассан” [7], - деб айтади.

Ҳалоллик ҳарбий хизматчининг ўз хизмат вазифасини ҳолисона, эътиросларсиз берилмай, фақат қонун доирасида бажарилишини ҳам тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, унинг юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишига боғлиқ.

Шу билан бирга миллий қадриятларимиз ҳарбий таълим тизимини янада юксалтиришдаги тарбиявий аҳамияти нуқтаи назаридан ёш авлодни шахс сифатида ривожлантириш ва шакллантиришга ёрдам беради. Шунинг учун улар онги ва ўқув тарбия жараёнига миллий қадриятлар ғояларини сингдириш ўта муҳимдир. Зеро, қадриятларни ҳаёт учун фойдали эканлигини англаб етгандангина уларда қизиқиш ортади.

Фикримизча, бу борада қуйидаги асосий жиҳатларга эътиборни қаратиш лозим:

1. Ҳарбийлаштирилган олий ўқув юртларида миллий қадриятларнинг назарий, методологик асосларини чуқур ўргатишга эътибор қаратиш. Шунингдек, бунда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий тизимида конституциявий ва давлат тузуми соҳасида рўй бераётган ислохотлар, демократик янгиланишлар жараёни, қонунчиликдаги либераллаштириш тенденциялари ва ютуқларини машғулотлар жараёнида чуқур таҳлил қилиш.

2. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, жиноий жазо сиёсатини либераллаштириш жараёнларининг мазмун-моҳиятини миллий қадриятларга асосланган ҳолда тингловчи-курсантларга етказиш.

3. Етук малакали ҳарбийлаштирилган кадрларни тайёрлаш жараёнини юксак савияда замонавий талаблар асосида ташкил этиш, янги ҳарбий доктрина, янги методика ва интерфаол усуллар асосида дастурлар, қўлланмалар ҳамда дарсликлар яратиш.

4. Ҳаёт тажрибасидан ўтган миллий қадриятларни тарғиб этишда ҳарбийлаштирилган таълим жараёнида замонавий ўқитиш технологияларидан компьютер графикаси ва мультимедиа асосида маъруза, семинар ва амалий машғулотларни ўтказишда фойдаланиш.

5. Республикаимизда аждодларимиздан бизга етиб келган миллий анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш асосида таълим самарадорлигини оширишда имкониятлар етарли. Шарқда ёшларни ҳарбий билим ва малакага ўргатиш йўллари, халқ қахрамонлари жасорати жумладан: Амир Темур, Шайх Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Махмуд, Бобурнинг ҳарбий тажрибаси ёшларга ибрат намунасидир. Уларнинг жангдаги

махорати ва жасорати ҳақидаги маълумотларни ёшларнинг онгига етказиш, ўрганиш ва татбиқ этиш г тарихчи олимларимиздан ижодий ёндашувни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳарбий таълимда миллий кадрлар масаласи бугун кун тартибдаги муҳим вазифалардан бири. Шундай экан, ҳарбий хизматчи ходимлар ўзларининг кундалик ҳаётида бадиий адабиёт, санъат асарларида бохабар бўлиши, миллий ва умумбашарий кадрларни теран англаши мусиқа, шеърят бобида ҳам ўз қобилият ва истеъдодларини намоён эта олиши керак. Шундагина ҳалқимиз орасида уларнинг обрў-эътибори ошади, уларга ишонч ва эътибор кучаяди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. – Т., 2017. 3-4-б.
2. Ўша манба. 3-4-б.
3. В Берлине обсуждены демократические и судебные реформы в Узбекистане. 23 мая 2014 г. // www.jahonnews.uz.
4. В Германии растет интерес к Узбекистану. 19 июля. 2014 г. // www.jahonnews.uz.
5. Шербан М. Ўзбекистон юқори даражадаги таълим тизимига эгадир. 2016. 15 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг “Жаҳон” Ахборот агентлиги веб-сайти. www.jahonnews.uz.
6. Махмудов Р. Деганимни улусга мағруб эт. – Т., 1992. 37-б.
7. Алишер Навоий. Ҳикматлар. – Т., 2006. 71-б.

УДК:159.922.762

ЎҚУВЧИНИНГ ТАШҚИ КЎРИНИШИ-АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МЕТОДОЛОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

МЕТОДИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ВНЕАУДИТОРНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТА

METHODOLOGICAL SUPPORT FOR EXTRA-CLASS ACTIVITIES OF A STUDENT

Файзиева Умида Асадовна

преп. каф. педагогики, БухГУ,

Жалилов Зарафион Бахшиллоевич

преп. дошкольного образования, (PhD) БухГУ

Аннотация. Ушбу мақолада талабаларнинг мустақил таълимини таъминлаш этиш бўйича такомиллаштириши шартлари, шунингдек, мустақил фаолият жараёнида талабаларнинг касбий фаолияти, шунингдек, уларнинг самарадорлиги натижаларига таъсир кўрсатувчи махсус ўқув-тарбия жараёни омилларини ўз ичига олади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бундай омиллардан бири дидактик шарт-шароитлар бўлиши мумкин, чунки юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, инглиз тилини нофилологик факультетларда ўрганишда талабаларнинг мустақил таълимнинг айрим шакллари тавсия этилган.

Таянч сўзлар: шахсият, таёргарлик, аудиториядан ташқари фаолият, дидактик шарт-шароитлар, коммуникатив компетентлар, интерактив таълим технологиялари, услубий қўлланмалар, шахсий режалар.

Аннотация. В данной статье описывается условия совершенствования организации самостоятельной работы обучающихся, содержание и совокупность особых факторов учебно-воспитательного процесса, наличие которых в процессе самостоятельной деятельности особо влияют на состояние студентов, а также результаты их продуктивности. И одним из подобных факторов могут быть дидактические условия. В этой работе мы можем рекомендовать некоторые формы самообразования студентов при изучении английского языка в нефилологических факультетах.